



ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА БЛОГЕРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Таштемиров Анвар Алиқулович

ИИВ Академияси доценти ўқитувчиси

Юлдошев Хасан Шерахмат ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

3-ўқув курси, 314-гуруҳ курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11194808>

Аннотация. Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасида оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорлигининг тушунчасини, ҳамкорликнинг турларини, бугунги кундаги ҳолати ва профилактика инспекторларининг оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда иштирокини такомиллаштириш, ўзаро кенг қамровли ҳамкорлигини ташкил этиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини қамраб олади.

Калит сўзлар: Жинойатчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, блогерлар блогерлар ишлаш.

Бугунги глобаллашув замонида яшаётган бир вақтда инсоният тарихида мисли кўрилмаган ўзгаришлар, ривожланишлар юз бермоқда. Сиёсий – иқтисодий, илм-фан, техника-инженерия соҳаларини оламизми, ижтимоий-ҳуқуқий, ҳарбий соҳаларни оламизми, буларнинг барчасида мисли кўрилмаган ривожланишнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бунинг асосий сабабларидан бири ахборотларнинг дунё бўйлаб жуда тез ва кенг кўламда тарқалаётганлигидир.

Бугунги кунда терроризм ва экстремизм, диний фундаментализм, миссионерлик, одам савдоси, наркомания, фоҳишабозлик, экологик муаммолар шулар жумласидандир. Айниқса ушбу ҳаракатларни охириги вақтда Ироқ ва Сурия, Афғонистон, Украина, Нигерия каби давлатларда яққол кузатишимиз мумкин. Бундай воқеалар рўй беришининг тағамирида инсоният маънавияти, маърифати, миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарнинг таназзулга юз тутаётганлиги. Албатта бунинг бош сабабларидан бири оммавий ахборот воситалари ва бугунги кунда ривожланиб бораётган блогерлар, турли хил блок постлар юритувчи оммавий ахборот воситалари вакиллари орқали миллийликка салбий






таъсир этувчи, фаҳш ва зўравонликка ундовчи турли ахборотларни узатилаётганлиги ҳамда оммавий маданиятнинг таъсирига етарлича эътибор берилмаётганлигидир. Бу эса ёшларнинг онгида маънавий бўшлиқ юзага келишига ва уни миллийликка ёт бўлган вайронкор ғоялар билан тўлдирилишига олиб келмоқда. Оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришда чинакам “жамият кўзгусига” айланиши керак, деб айтган ўз маърузаларида ва мамлакатимиздаги барча жабҳаларида ҳамда давлат органлари фаолиятини халқимиз олдига ёритиб бера олиши, ҳар бир воқеаларни аҳолимизга кенг ёритиб бериши кераклиги ҳақида юртбошимиз ўз фикрларини билдириб ўтганлар.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, “Сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ўтган беш йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади. Бугунги кунда халқимиз орасида юриб, уни қийнаётган ижтимоий муаммоларини кўрсатиб бераётган енг катта куч - бу мустақил ва холис оммавий ахборот воситалари вакиллари дир. Демократик ислоҳотларимиз натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишини қонуний асосда тўғри ташкил етишга ундамоқда. Шу сабабли ҳам давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказиш мақсадида уларнинг ҳар бирида матбуот хизмати иш бошлади. Аслида, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак. Маълумки бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришга катта рол ўйнамоқда” - дея таъкидлаган эди.

Мана шу маънавий бўшлиқни эзгулик, бунёдкорлик ғоялари билан ёшларимиз онгига синдириш орқали тўлдирсак, ана шунда турли хил ёвузликларни олдини олишимиз мумкин. Бунда албатта „тўртинчи ҳокимият,, ҳисобланган оммавий ахборот воситаларидан „тарғиботчи қурол,, сифатида фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, давлат ва жамият ўртасида сифатли мулоқотни йўлга қўйиш, аҳолига ислоҳотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ ахборот етказиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти





шаффофлигини ошириш, шунингдек, уларнинг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ва ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш мақсадида юртбошимиз томонидан бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев: “Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш – амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир” – деб таъкидлаб, барча ислохотлар энг аввало инсон манфаатларига хизмат қилиш учун қаратилганлигига алоҳида урғу бериб келмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ички ишлар органлари соҳасидаги қарорларида ҳам «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини давлат ташкилотлари ҳамда аҳоли билан ҳамкорликда ташкил этиш борасида бир неча йўналишларда қатор камчиликлар кўзга ташланаётганлиги», ҳақида кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қарор билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган мувофиқлаштириш бошқармаларининг ҳам асосий вазифаларидан бири сифатида халқ билан манзилли мулоқотни, фуқароларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишда ҳар томонлама кўмаклашишни, секторларга бириктирилган давлат органлари, оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликни ташкил этиш белгилаб берилди.

Ички ишлар органларининг профилактика хизматлари ҳамда энг қўйи тизим ҳисобланган профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини асосий амалга оширувчи тузилма ҳисобланади.

Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини соҳавий хизматлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар билан ҳамда оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликда ташкил этади. Ички ишлар органларининг оммавий ахборот воситалари билан профилактика инспектори билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятининг мақсад ва вазифалари ҳамда кўлами аниқ белгилаб қўйилмаганлиги – бу соҳадаги ишлар ҳамон оғизда ва юзаки, кўзбўямачиликка бажарилиб келинаётганлигини кўрсатади. Ушбу институтларнинг ҳамкорлик фаолиятига оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари, асосий вазифалари ҳамда ҳуқуқий статуси ягона қонун нормасида белгилаб қўйилмаганлиги ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш лозимлигини тақозо этади.





Тўғри ушбу субъектларнинг ҳуқуқий мақоми бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлар билан белгилаб берилган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда ўзаро ҳамкорлик шакллари, усуллари, тартиби ва воситалари ҳамда улар ўртасида расмийлаштирилдиган ҳужжатлар юритилиш тартиблари аниқ белгилаб берилмаган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасида ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши кўрсатилган, лекин айнан қайси орган ва институтлар билан, қандай масалаларда, қандай шаклларда ҳамкорлик қилиши ҳамда ушбу ҳамкорлик тизими, вазифа ва мақсадлари аниқ белгилаб берилмаган.

Ушбу қонуннинг 21 моддасида эса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки қисман кўрсатиб берилган яъни ушбу нормада фақат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки кўрсатилган, бироқ унинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда қайси органлар билан ҳамкорлик қилиши, ҳамкорликнинг шакллари, мақсад ва вазифалари ёритилмаган.

Шунингдек, юртбошимизнинг бир қатор фармон ва қарорларида ҳам «халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этилишига ҳар томонлама қўмаклашиш масалалари очиқлигича қолаётганлиги» қаттиқ танқид остига олинганлиги бу борадаги ишларни тубдан такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади.

Президентимизнинг бу борадаги қўяётган вазифалари ҳамда юқорида санаб ўтилган қонун нормаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини асосий ташкил этувчи тузилма ҳисобланган Ички ишлар органларининг профилактика хизматлари билан, оммавий ахборот воситалари ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини тартибга солиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Бироқ ушбу ҳамкорликнинг шакллари, усуллари, тартиби, соҳалар ва субъектлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, вазифа ва функциялар аниқ





белгилаб берилмаганлиги ушбу мавзунинг долзарб эканлигидан далолат беради.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Ички ишлар органлари профилактика соҳаси вакилларининг оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорликдаги фаолияти юзасидан қуйидаги таклифларни келтириб ўтилади, булар:


- Ушбу ҳолатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва оммавий ахборот воситаларининг ва блогерларнинг фаолиятига оид норматив ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини тартибга солиш, яхши ҳамкорликни йўлга қўйишда фаолият боғлиқлигини белгилаб олган ҳолда меморондум имзолаш ва пресс конференция ташкил этиш.

- 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар доирасида тегишлича келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

- Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида оммавий ахборот воситаларининг ролини ва блогерларнинг иштирокини оширишда Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 27 март кунидаги 2833-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида оғир турдаги жиноятларнинг кенг жамоатчилик олдида муҳокама қилиш тамоили бўйича ҳар ойда бир маротаба маҳалла кесимида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида оммавий ахборот воситалари жалб қилган ҳолда ўтказадиган бўлсак фуқароларга тўғридан-тўғри тез хабардор қилиш ва огоҳлантириш оқибатида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун муҳим ўрин тутди, 2833-сонли қарорда ҳамкорликда қилинадиган ишларни ижросини таъминлаш.

- Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида оммавий ахборот воситаларининг ўрнини ошириш бўйича профилактика инспекторини электрон ахборот-коммуникация воситалари билан тўлиқ таъминлаш ҳамда фаолиятини узлуксиз боғлаш зарур.

- Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида оммавий ахборот воситаларининг ўрнини ошириш ва яқин ҳамкорликни йўлга қўйишда мақсад ва вазифалар кўлами аниқ белгилаб қўйилиши. Ҳамда жиноятчиликни олдини олиш бўйича оммавий ахборот воситаларини кўпроқ жалб қилиш оқибатида бугунги кунда энг кўп содир этилаётган фирибгарлик, ўғирлик, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, кибер ва бошқа






жиноятларни олдини олиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. 2023 y. <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. <https://lex.uz/docs/6445145>.
3. Mirsalixova, Guzal, and Shoyimbek Shodiyev. "VOYAGA YETMAGANLAR JINOYATCHILIGINING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI." Development and innovations in science 3.1 (2024): 160-168.
4. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.
5. Tashtemirov A., Po'latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.
6. Тоштемиров А. А. Некоторые аспекты изучение модели управленческой деятельности в органах внутренних дел. – 2022.
7. Таштемиров А., Курчибоев Ж. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида таълим ва тарбиянинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-135.
8. Таштемиров А. А. и др. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг ҳамкорлиги //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 25. – С. 32-40.
9. Aliqulovich, Tashtemirov Anvar, and Murodullayev Xusan Atxam o'g'li. "Profilaktika inspektorining ommaviy tadbirlarni o'tkazish jarayonidagi ishtirokining oziga xos xususiyatlari." O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali 2.24 (2023): 230-235.
10. Тоштемиров А. Киберфирибгарлик билан боглик жиноятларнинг пайдо булиш ва ривожланиш тарихи //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 11/S. – С. 95-102.
11. Мирсалихова, Г. А. (2023). Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва





уни бартараф этиш йўналишлари. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 2(22), 116-123.

12. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 141-146.

13. Мирсалихова, Гузал. "Ички ишлар органлари тезкор қидирув фаолияти тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар истиқболлари." Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук 2.10 Special Issue (2022): 214-217.

